

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ XX АСР 20-30-ЧИ ЙИЛЛАРДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

Холбаев Бахтиёр Ўринбой ўғли,  
Магистрант, Гулистон давлат университети (Ўзбекистон)  
e-mail: [baxti\\_kholbaev\\_99@mail.ru](mailto:baxti_kholbaev_99@mail.ru)

*Аннотация.* Мақолада Ўзбекистонда 1920-30 йилларда амалга оширилган қатагонлик сиёсатининг оқибатлари кўрсатилган. Олимларнинг илмий тадқиқотлари таҳлил қилинган ва бу тадқиқотлар асосида мазкур жараёнларнинг матбуотда ёритилишидан мисоллар келтирилган.

*Калит сўзлар:* қатагонлик, Шўро ҳокимияти, сиёсий жараёнлар, иноғомовчилик, қосимовчилик, 18-лар гуруҳи.

## ОСВЕЩЕНИЕ В ПЕЧАТИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ 20-30-Х ГОДОВ XX ВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ

Холбаев Бахтиёр Уринбой угли, магистрант

*Аннотация.* В статье показаны последствия репрессивной политики, осуществлённой в Узбекистане в 1920-30 годах. Проанализированы научные исследования учёных, и на основе этих исследований приведены примеры об освещении этих процессов в печати.

*Ключевые слова:* репрессия, Советская власть, политические процессы, иногамовщина, касымовщина, группа 18-ти.

## PRESS COVERAGE OF POLITICAL PROCESSES OF THE 20-30S OF THE XX CENTURY IN UZBEKISTAN

Kholbaev Bakhtiyor Urinboy ugli  
Gulistan State University (Uzbekistan)

*Abstract.* The article shows the consequences of the repressive policy implemented in 1920-30 in Uzbekistan. Scientific researches of scientists are analyzed and on the basis of these researches examples of coverage in the press of these processes are given.

*Key words:* repressions, Soviet power, political processes, Inogamovshchina, Kasymovshchina, group of 18.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Тарих фанида ҳам янгиланиш жараёни бошланиб, тарихчилар зиммасига тарихни илмий асосда холисона тадқиқ қилиш ва уни халққа етказиш вазифаси юкланди. Бу борада советлар даврида бузиб кўрсатилган ёки яшириб келинган ҳақиқатни тиклаш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев: “Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни ватанчимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, кадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади”, - деб таъкидлайди [1].

XX асрнинг 20-30 йиллар тарихи халқимиз менталитетига тўғри келмас оғир, синовли, тазйиқ ва зўравонлик даври сифатида битилди. Халқимизнинг метин иродаси, сабр-бардоши минг бир синовдан ўтказилди. Бу даврдаги маданий инқилоб, озиқ-овқат развёрсткаси, жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сиёсий қатағонликлар каби сиёсий жараёнлар тарихимиз саҳифаларида ўша даврдаги коммунистик мафкура асосида ёритилди ва иттифоқ ҳамда республика матбуотида ҳам ёритилиб борилди.

Мақоланинг мақсади, ана шу сиёсий жараёнларнинг моҳиятини қисқача бўлса-да, очиқ бериш, матбуотдаги айрим маълумотларни таҳлил қилиб, бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беришдан иборат.

**Методология ва методлар.** Мавзунини ёритишда методологик асос бўлиб, бугунги давр етакчи тарихшунос олимларимизнинг асарлари, 1920-30 йиллар матбуоти материаллари хизмат қилди. Ишни ёзишда таҳлил, умумлаштириш усуллари қўлланилди.

**Адабиётлар таҳлили.** Мазкур даврда Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга Р.Аминова, О.Жамолов, Б.Расулов, А.Голованов, Қ.Раджабов, З.Ишанходжаева, Р.Шамсутдинов, Д.Алимова, О.Назаров, М.Абдуллаев, Х.Курбонов каби олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. З.Ишанходжаева совет ҳокимияти қатағонлик сиёсати тарихи тарихшунослигини [4], шунингдек, совет даврида

“оғмачи гуруҳбозлик” деб ном олган сиёсий жараёнлар моҳиятини тадқиқ қилган ҳамда монография ва бир қатор мақолаларда ёритган [2; 3]. С. Хошимов, Ж. Иминов ва С. Тўрахўжаевларнинг мақоласида [6] XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда "советлаштириш" сиёсати билан бирга олиб борилган қатағон жараёнлари ёритилган. Муаллифларнинг фикрига кўра, бу жараёнлар табиатан жазоловчи характерда бўлган.

**Муҳокама ва натижалар.** Тилга олинган сиёсий жараёнлар ўша даврдаги матбуотда бирмунча ёритилган. Марказдан юборилган большевик чекистлардан ташкил топган ЧК (фавкулудда комиссия) маҳаллий аҳолининг энг яхши вакиллари жисмоний йўқ қилиш билан шуғулланган, миллий озодлик қуроли ҳаракатига қарши қаттиқ кураш олиб борган. 1920 йил 6-9 сентябрда Бутун Бухоро ЧСК томонидан кўзга кўринган маҳаллий вакиллар Қози Калон Мулло Бадриддин, Домла Фахриддин Қори, Мирзо Сафарбий ва бошқалар ҳибсга олинди, ва улар аксилинқилобий ҳаракатларда айбланиб, отувга ҳукм қилинди. 1920 йил 18 октябр куни ҳам халқ орасида ҳурмат қозонган арбоблар Олий Инқилобий ҳарбий трибунал томонидан ўлимга маҳкум этилдилар. “Бухоро Ахбори” газетасининг 21 ноябрдаги сониди Бухорода қатл қилинган 29 кишининг исмлари келтирилган эди [9]. 1922 йил ёзида Бухорода чекистлар томонидан совет ҳокимиятига қарши чиққан миллий яширин ташкилот аниқланиб, унинг аъзолари оммавий ҳибсга олинди ва 10 киши отувга ҳукм қилинди [6]. 1922 йил 1 декабрда БХСРдаги Олий Инқилобий Ҳарбий трибунал “босмачиларга ёрдам кўрсатгани ва ҳаракатда иштирок этгани” айби билан 20дан ортиқ кишига нисбатан ҳукм чиқарди ва уларга қамоқ жазосини берди. 1922 йил ёзида эса Бухорода Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ - Государственное Политическое Управление) ташкил топиб, совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий ва қуроли ҳаракатга қарши курашди, “босмачиликда” иштирок этганда гумон қилинган шахслар ишлари қараб чиқиб, трибуналга ўтказган [12]. Бу ҳақда “Красная звезда” газетасида махсус хабар берилган эди.

Айтиш керакки, мамлакатда тоталитар режимнинг ширнатилиши миллий совет республикалари ҳаётига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда республика ҳокимиятининг барча органлари Иттифоққа, Марказга бўйсунган эди. Марказ маҳаллий кадрлар фаолияти ва республикалардаги ўзгаришларни доимий назорат қилиб борарди.

Дастлабки қатағонлар оғирлиги республикамизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга уринган маҳаллий кадрлар лкасига тушди. Уларни миллатчиликда айблаб, аксилинқилобчилар, халқ душманлари деб тамғалашди. Ўйлаб чиқилган сабаблар билан “18-лар гуруҳи”, “иноғомовчилик”, “қосимовчилик” деган ишларни очишди. “18-лар гуруҳи”га И.Хидиралиев,

М.Саиджонов, У.Ашуров, Р.Раҳимбобоев ва бошқа давлат арбоблари киритилиб, асоссиз айбловлар қўйилди, партия органлари томонидан айбландилар ва лавозимларидан бўшатиладилар. Амалда эса улар Марказнинг шовинистик сиёсатига қарши чиқиб, миллий кадрларни ва адолатни ҳимоя қилгандилар [7].

“Иноғомовчилик” деган гуруҳга қўйилган айбловлар ҳам ўйлаб чиқилган эди. Раҳим Иноғомов Ўзбекистон КП(б) МҚ матбуот бўлимнинг бошлиғи ва ЎзССР маориф халқ комиссари бўлган. У бир қатор чиқишларида Ўзбекистон Компартияси мустақил фаолият юрита олмаслиги, Марказдаги назорат органлари ўз ҳукмларини ўтказмаётганлиги ҳақида гапирган эди. Ўз қарашларини Раҳим Иноғомов 1926 йил охирида чоп этилган “Ўзбек зиёлилари” номли китобида акс эттирди. Унда жамият ривожига етакчи ролни “партия диктатураси” эмас, балки зиёлилар томонидан маънавий бошқарилган халқ ўйнаши кераклиги айтилган эди. У жаҳидларни қўллаб-қувватлаб, куч билимда, миллий маданий анъаналар ва умуминсоний инсонпарварлик қадриятларга асосланган маънавий маърифатда эканлигини таъкидлаган. У Марказ томонидан амалга оширилаётган маданий сиёсатга қарши чиққан [3, б.38]. Иноғомовни Н.Мавлонбеков, И.Исамухамедов, М.Алиев ва бошқа масъул ходимлар қўллаб-қувватлашди. Натижада 1926-1927 йилларда уларнинг фаолияти партия ташкилотларида муҳокама қилинди, уларни гуруҳбозликда айблашди. Иноғомов ва унинг тарафдорлари лавозимларидан тўшатилиб, “қора рўйхатга” киритилди.

Иноғомов ва унинг тарафдорларининг ишлари матбуотда ёритилиб борилди. 1930 йил апрелида Р.Иноғомов ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросига ва Ўзбекистон КП(б) МҚга ариза ёзиб, ўз хатоларини тан олишга мажбур бўлди. Бу хат “Правда Востока” газетасида жойлаштирилди [13]. Шу газетанинг хабарига кўра, 1930 йил 12 ноябрда Алимов партия сафидан ўчирилди [14].

«Правда Востока» газетасининг 1931 йил 10 апрелдаги сонидан ёзилганидек, 1931 йилда Иноғомовчилар гуруҳининг аъзолари Н. Мавлонбеков, У. Ишанходжаев ва Исамухамедовлар сиёсий таъқибга учраган [15].

1929-1930-чи йилларда “қосимовчилик” деган иш ҳам ўйлаб чиқилди. ЎзССР Олий Суди раиси лавозимида ишлаётган Саъдулла Қосимов ва унинг тарафдорлари Н.Алимов, Б.Шарипов – жами 7 киши 1929 йил иккинчи ярмида ҳибсга олинди. Иш сиёсий тус олди, уларни миллатчиликда, босмачилар билан алоқада бўлганликда айблашди. “Қосимовчилар гуруҳи” бўйича тўпланган материаллар судга оширилди. Самарқандда очилган суд иши 1930 йил 25 мартдан 21 июнга қадар давом этди.

Иттифоқ матбуотида “Қосимовчилар иши” бўйича суд жараёнининг бориши ҳақида пойга ташкил этилди. “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Шарқ ҳақиқати”, “Янги Фарғона” газеталарида кенг миқёсда тинимсиз мақола

ва хабарлар босилди. Биргина “Қизил Ўзбекистон” газетасида (1930 й., апрель-сентябрь) суд жараёни ҳақида 75 та мақола босилди. Уларнинг деярли барчасида гуруҳнинг қонундан ташқари қилмишлари, жиноятлари “фош” этилар эди. 1930 йил 21 июнда Иттифоқ Олий суди номидан 4 киши – Саъдулла Қосимов, Бадриддин Шарипов, Насриддин Олимов, Вячеслав Спиридоновнинг ҳаммаси олий жазо – отишга ҳукм қилинди, қолганлар эса 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

1929 йилда маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилик қилган “Миллий истиқлол” ташкилотининг 87 та аъзоси ҳибсга олинди. 1931 йилда 15 киши Москвада отиб ташланди, қолганлари меҳнат лагерларига сургун қилинди. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг кўплаб аъзолари ҳам қатағонликка учради. Маннон Абдуллаев, Носир Саидов, Маҳмуд Мирходиев, Ҳосил Восилов каби жамоат арбоблари ўлим жазосига маҳкум этилди, аммо кейинчалик узоқ муддатли қамоқ жазоси берилди.

Қатағонлик сиёсати Самарқандни ҳам четлаб ўтмади. 1930-йиллардан бошлаб шаҳар фаоллари йиғинларида, партия пленумларида таълим муассасаларида миллий сиёсатнинг кўпол қоидабузарликлари муҳокама қилинган. Масалан, 1933 йил 8-9 август кунлари Самарқанд шаҳар партия кўмитаси ва шаҳар назорат комиссиясининг қўшма йиғилишида ЎзДУ профессорлари С.Юшков ва П.Солиев талабаларга миллатчиликни ва аксилинқилобий назарияни сингдиришда айбландилар. 1931 йилда “Ленин йўли” газетасида Пўлат Солиев ўзининг “Ўрта Осиё халқлари тарихи” дарслигида феодал бошқарув ва амирликни мақтаганлиги таъкидланган эди [10] ва шу сабабли у ишдан бўшатилиб, ҳибсга олинган эди.

Қатағонлар даврида Ўзбек Давлат университети (ҳозирги СамДУ) профессор-ўқитувчиларидан бир неча киши, жумладан собиқ ректори Карим Абдуллаев, биология факультети декани М.Бурнашев, педагогика факультети декани Н.Иноятов ва бошқалар халқ душманлари сифатида таъқиб остига ва ҳибсга олинган эдилар. [8]

Қатағонлар даврида “халқ душманлари” ва уларнинг тарафдорларини фош қилишда матбуот воситаларидан кенг фойдаланилди. “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1937 йил 6 октябрдаги сонидан “Халқ маорифидаги зараркунадалар” номли мақолада Каттакўрғон халқ таълими бўлими ходимлари Абдураззоқов, Сайидашева, Ибрагимов, Салимовлар аксилинқилобий ташкилот аъзолари сифатида совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликларида айбландилар [16].

1937-1938 йиллар давомида Ўзбекистонда бир қатор йирик аксилинқилобий тузилмалар ташкил этилиб, фаолият юритмоқда, деган сохта

маълумотлар тўпланди. Мана шундай уйдирма маълумотлар асосида республика раҳбарлари А.Икромов ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги “Буржуа – миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази”, Абдурауф Қориев раҳбар бўлган “Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи-исёнкор ташкилоти”, “Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати” номли аксилинқилобий ташкилотлар, И.Ортиқов бошлиқ “Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-қўпоровчилик резидентураси” каби ташкилотлар совет ҳокимиятига қарши фаолият юритмоқда, деб эълон қилинди. Уларни тузишда гумон қилинганлар қатағонга учради. Шу йиллар давомида 43000 дан зиёд киши қамоққа олинди. Улардан 6920 нафари отиб ташланди. 37000 нафари эса турли муддатга қамоқ ва сургунга ҳукм этилди [11].

Бутун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти партия тазйиқи билан амалга оширила бошлади. Жумладан, 1930 йилларда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам совет тарғиботининг мустаҳкамланиши ва шахсга сиғинишнинг кучайиб бориши шароитларида ўтди.

Мазкур гуруҳлардан ташқари, яна бир қанча катта ва кичик гуруҳлар ҳам “фош” қилинган. Уларнинг аъзолари жиноий жавобгарликка тортилиб, кўплари отишга ҳукм қилинган, қолганлари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилганган. Вахоланки, жавобгарликка ўз халқининг манфаатларини, миллий кадриятларини ҳимоя қилишдан иборат эди.

Хуллас, ўша даврларда Сталиннинг синфий курашнинг кескинлашуви ҳақидаги ғояси ҳукмрон бўлиб, “халқ душманлари”дан халос бўлиш учун ҳар қандай уйдирма айбловларни ўйлаб топишди. 1930 йиллар охирида А.Икромов, Ф.Хўжаев, С.Сегизбоев, А.Каримов, Д.Манжара ва бошқалар отиб ташлашга ҳукм қилиндилар. 1938 йил баҳорига келиб Ўзбекистондаги раҳбар ва хўжалик ходимларининг 60%дан кўпи қатағон қилинган эди [5].

Жамиятнинг барча қатламларида қатағонлар авж олган эди. Айниқса, ҳорижда, хусусан Германияда таълим олиб келган мутахассислар – М.Салихов, Б.Сайфутдинов ва бошқалар ҳибсга олинди. Улар аксилсовет, аксилинқилобий, иверсия, террористик фаолиятда, айфоқчиликда айбландилар.

Хуллас, Сталиннинг ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистондаги НКВД “учликлари” томонидан деярли 100 минг киши ҳибсга олинди, улардан 13 минг киши отиб ташланди. Тоталитар тузум ўрнатилиб, инсонпарварлик ва демократия тамойилларини оёқ ости қилди, Ватанга садоқатли бўлган ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини курутди, республикамизнинг маънавий ҳаётига кучли босим ўтказди. Тарих сохталаштирилиб, ижтимоий жараёнларнинг статистикаси ва натижалари бузиб кўрсатилди. 1920 йиллар охири- 1930

йиллардаги қатағонликлар миллий маданият учун ҳам фожеали бўлди. Адабиёт ва санъатнинг истеъдодли арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Зиё Саид, Элбек, Усмон Носир ва бошқалар халқ душманлари деб эълон қилинди.

**Хулоса.** Тоталитар Совет тузумининг қатағонлари нафақат миллий раҳбариятга, нафақат ўз ғояларига садоқатли зиёлиларга, балки миллионлаб оддий фуқароларга ҳам таъсир кўрсатди. Совет ҳукумати Ўзбекистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва мустақамлашда бутунлай жазо органларига таянди. Давом этаётган ҳарбий ва сиёсий қатағонларда асосий ролни ижро этувчи ЧК, инқилобий трибунал, қизил армия бўлинмалари, диктаторлик комиссияси, ишчилар ва деҳқонлар милицияси, ОГПУ ва НКВД ўйнади.

Бугунги кунда 1920-30 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишда бир қатор олимларимизнинг монографиялари, номзодлик ва докторлик диссертациялари, илмий мақолалари, дарсликлардаги маълумотлар кўл келади. Ўзбекистон тарихи фанини Жаҳон тарихи, айниқса Россия тарихи ҳамда харитадан йўқ бўлиб кетган ва бир қатор мустақил республикаларга бўлиниб кетган СССР тарихини, манбашунослик, тарихшунослик, архившунослик, Янги тарих, Энг янги тарих фанлари билан интердисциплинар ўрганиш, ҳолисона ёритиш, талабаларга ҳақиқий тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда партия ва давлат архивларининг тадқиқотчилар учун очиклиги, илмий муомалага янгидан-янги манбаларнинг, жумладан, оилавий фотосурат ва хатлардан иборат архивлар, мемуарлар, таржимайи ҳолларнинг киритилиши Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсатини кенгроқ ўрганиш ва ёритишга имкон берди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши. <https://president.uz/uz/lists/view/3884>
2. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания. – Ташкент, 2011.
3. Ишанходжаева З.Р. Роль личности в национальной истории: платформа Иногамова // Материалы XIX Международного Евразийского научного форума «Лев Гумилев и Великая степь: история и современность». Астана, 2022. С.96-101. \ URL: [https://raqamlitarix.uz/wp-content/uploads/2022/12/ Гумелёв-Ишанходжаева-З.Р.-3.pdf](https://raqamlitarix.uz/wp-content/uploads/2022/12/Гумелёв-Ишанходжаева-З.Р.-3.pdf)

4. Ишанходжаева З. Изучение истории репрессивной политики советской власти: опыт и проблемы. //Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана. 2022. №1(01). С.206-212. <https://inlibrary.uz/index.php/scientific-practical/article/view/13464>
5. Репрессия: 1937-1938 гг. Документы и материалы. Вып. 1. - Т.: Шарк, 2005. - С. 3-5.
6. Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века // Наука и современность. 2016. <https://cyberleninka.ru/article/n/politicheskie-repressii-v-uzbekistane-v-20-30-h-godah-hh-veka>
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарк, 2000. - Б. 312-325.
8. Бодиров А.Ж. Репрессия интеллигенции в Самарканде со стороны советского правительства / URL: <https://scientificmagazine.ru/images/PDF/2018/26/repressiya.pdf>
9. Бухоро ахбори. 1920. 21 ноябрь. №3.
10. “Ленин йўли” («Ленинский путь»). 13 август 1931 й.). № 132 (802).
11. Нажмиддинов М. “Оғмачи гуруҳбозлар”. қатағон сиёсати қурбони бўлган миллий сиёсий элита вакиллари ҳақида / URL: <http://uz.hook.report/2022/08/qosimovchilar/>
12. Открытие басмаческой организации в Старой Бухаре// Красная звезда. - 1922. - № 21, 3 августа.
13. Правда Востока. 1930 г. 30 мая.
14. Правда Востока. 1931 г. 18 апреля.
15. Правда Востока. 1931 г. 10 апреля.
16. Қизил Ўзбекистон . 1937 йил 6 октябр.